JIZZAX VILOYATI YANGIOBOD TUMANI HOKIMI
QARORI

2021 - yil 30 - sentabr 28-3-54-Q/21 Yangiobod tumani hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2022 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандилиги тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида”ги Низомга асосан тумандаги корхона ва ташкилотларда 2022 йил мобайнида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандилиги тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддасига асосан “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида”ги Низомга асосан, туман ҳудудида жойлашган корхона ташкилот ва муассасаларда 2022 йил учун квота иш ўринларини белгиланиши керак булган энг кам сонини ва уларга қўйиладиган талабларни ўрганиш махсус комиссияси таркиби 1-иловага, ходимлар сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 10 фоиз миқдоригача, (шу жумладан, ногиронлар учун 3 фоиз) жами 84 та квота иш ўринлари белгилаш 2-иловага иловага

мувофиқ тасдиқлансин**.**

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига мувофиқ, корхона ва ташкилотларда жорий йилда ишга жойлаштириб бўлинган шахслар иш ўринлари 2022 йил учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сонини белгилашда ҳисобга олинсин.

Шу жумладан:

а) ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали, кичик ёшли ишламаган ота-оналар учун 7 фоиз (15 киши);

б) умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 10 фоиз (46 киши);

в) сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 7 фоиз (8 киши);

г) ногиронлар учун 3 фоиз (5 киши);

д) пенсияолди ёшидаги шахслар учун 7 фоиз (5 киши);

е) жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар, 7 фоиз (4 киши);

ж) одам савдоси қурбонлари учун 7 фоиз (1 киши)

3. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига мувофиқ бўлиши керак.

4. Иш ўринлари захирага қўйиладиган ҳар бир корхона, ташкилот ва муаасасаларда касблар ва лавозимлар рўйхати келтириб ўтилсин.

5. Корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилиши ва тайёрлигини таъминлаши,

шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилиши шарт.

6. Муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади, бу ҳақда туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилинсин.

Ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш марказига Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

7. Ушбу қарорни бажармаган ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жарима солинади.

Белгилаб қўйилсинки, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмайди.

8. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этилган тақдирда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ–4227-сон 1 боб, 2 банди. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

9.Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори (Д.Тўрақулов)га

бир хафта муддатда ушбу қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

10. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Д.Ражабов), “Янгиобод овози” таҳририяти (А.Муҳаммадиев), мазкур қарор ҳокимликнинг www.yangiobod.jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин ҳамда маҳаллий матбуотда чоп этилсин ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни

кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

12. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 27 августдаги 870-сонли қарори 2022 йил 01 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Мамадазимов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **И.Б.Қаршибоев**

Янгиобод туман ҳокимининг
2021 йил 30 сентябрдаги
28-3-54-Q/21-сон қарорига
1-илова

Туман ҳудудида жойлашган корхона ташкилот ва муассасаларда 2022 йил учун квота иш ўринларини белгиланиши керак бўлган энг кам сонини ва уларга кўйиладиган талабларни ўрганиш махсус комиссияси

ТАРКИБИ:

№	**Комиссия аъзосининг Ф.И.Ш**	**Лавозими**
1	Д.Мамадазимов	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси
2	Д.Тўрақулов	Туман АБКМ директори комиссия раиси ўринбосари
3	Н.Қувондиқова	туман АБКМ банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш ва ишга жойлаштириш шўъбаси мутахассиси, комиссия котиби.
4	З.Назарқулова	Туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси.
5	Ё.Шарофбоев	Туман статистика бўлими бошлиғи комиссия аъзоси.
6	А.Кенжаев	Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, комиссия аъзоси
7	Ф.Юлдашев	Туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошлиғи, комиссия аъзоси

Янгиобод туман ҳокимининг
2021 йил 30 сентябрдаги
28-3-54-Q/21-сон қарорига
2-илова

Туман худудида жойлашган, ташкилот ва муассасларда меҳнат бозорида рақобатлашишга қодир бўлмаган ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларга 2022 йил учун белгиланган (барпо этиладиган) иш ўринлари

РЎЙХАТИ

№	Корхона ва ташкилотлар номи	Яратилиши керак булган квота уринлари	Вазирлар Махкамасининг 12.2017 йилдаги 965-сонли карорига асосан белгиланган меъёр асосида		01.08.2021 йил холатига руйхат буйича ишловчилар сони	2022 йилга белгиланган иш ўринлари	шундан 2021 йилда яратилган	2022 йилда яратилади	Шундан ижтимоий химояга мухтож шахслари						
			10%	7%					14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болалаи ота оналар учун банд килинган иш уринлар сини	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг давлат грантлари буйича таълим олган битирувчилари учун банд килинган иш уринлари сони	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ваУзбекистон Республикаси сафларидан муддатли харбий хизматдан бушатилган шахслар учун банд килинган иш уринлари сони	Ногиронлиги булган шахслар учун банд килинган иш уринлари сони	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд килинган иш уринлари сони	Жазони ижро этиш ўташ муассасаларидан ёки суднинг карорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари кўлланилган шахслар учун банд килинган иш уринлари сони	Одам савдоси қурбони учун банд килинган иш уринлари сони
1	Туман ҳокимлиги	1		1	36	1	1	0							
2	Туман тиббиёт бирлашмаси	50	50		533	50	19	31	6	16	2	2	2	2	1
3	ДСЭНМ	1		1	25	1	1	0							
4	Янгиобод тумани касб-ҳунар мактаби	2		2	48	2		2		1	1				
5	Халқ таълими бўлими	2		2	47	2		2			1		1		
6	1- умумий ўрта таълим мактаби	3		3	64	3		3		1		1		1	
7	2- умумий ўрта таълим мактаби	2		2	44	2	1	1		1					
8	3- умумий ўрта таълим мактаби	3		3	54	3		3	1	1			1		
9	4- умумий ўрта таълим мактаби	3		3	57	3		3	1	1				1	
10	5- умумий ўрта таълим мактаби	3		3	54	3	2	1		1					
11	6- умумий ўрта таълим мактаби	1		1	27	1		1		1					
12	7- умумий ўрта таълим мактаби	2		2	35	2	1	1	1						
13	8- умумий ўрта таълим мактаби	2		2	34	2	1	1		1					
14	9- умумий ўрта таълим мактаби	2		2	42	2		2	1	1					

15	10- умумий ўрта таълим мактаби	1		1	32	1		1		1					
16	11- умумий ўрта таълим мактаби	2		2	46	2		2	1	1					
17	12- умумий ўрта таълим мактаби	5		5	85	5		5	1	1	1	1	1		
18	13- умумий ўрта таълим мактаби	2		2	40	2		2	1	1					
19	14- умумий ўрта таълим мактаби	1		1	27	1		1		1					
20	15- умумий ўрта таълим мактаби	2		2	28	2	2	0							
21	16- умумий ўрта таълим мактаби	1		1	26	1		1		1					
22	17- умумий ўрта таълим мактаби	2		2	28	2	2	0							
23	18-сонли ИДУМ	1		1	31	1		1		1					
24	19- умумий ўрта таълим мактаби	1		1	29	1		1		1					
25	1 -сонли ДМТТ	2		2	41	2		2		1	1				
26	2 -сонли ДМТТ	1		1	33	1		1		1					
27	3 -сонли ДМТТ	1		1	22	1	1	0							
28	4 -сонли ДМТТ	1		1	22	1		1		1					
29	5-сонли ДМТТ	1		1	24	1		1		1					
30	6 -сонли ДМТТ	1		1	25	1		1		1					
31	8 -сонли ДМТТ	1		1	20			0							
32	19-сонли Болалар мусиқа мактаби	2		2	39	2	1	1		1					
33	Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	1		1	28	1		1		1					
34	Қишлок қурилиш банк АТБ	2		2	47	2		2		2					
35	Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	4		4	56	4		4	1	1	1	1			
36	Ободонлаштириш бошқармаси	11	11		110	11	10	1		1					
37	Хўжамушкент ўрмон хўжалиги	2		2	47	2		2		1	1				
38	Баркамол Авлод болалар мактаби	2		2	52	2		2	1	1					
Жами		**127**	**61**	**66**	**2038**	**126**	**42**	**84**	**15**	**46**	**8**	**5**	**5**	**4**	**1**